

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ Қўллашнинг имкониятлари, муаммо ва истиқболлари.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА Қўлланилган ҲАРБИЙ УНВОНЛАРГА ДОИР.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўғли, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 йиллар).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР Тўғрисида.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Вахобов Ботирали Михаиллович,
Наманган давлат университети,
"Архившунослик" кафедраси катта ўқитувчиси

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ

For citation: Botirali M. Vakhobov. Ethnographic groups of the Ferghana Valley. 2019, vol. 1, issue 18, pp. 43-49



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-05>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада этнологиянинг объектларидан бири "субэтнос" тушунчасига оид назарий қарашлар келтирилган. Субэтнос этноснинг тарихий шаклларида бири ҳисобланиб, ҳозирги кунда уларнинг ўзига хослигини тадқиқ қилиш долзарбдир. Этнос назарияси ва субэтнос (этнографик гуруҳга)га оид илмий қарашлар адабиётлар асосида таҳлил қилинган. Субэтносларнинг ўзига хос хусусияти, уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ қарашлар баён этилган.

Фарғона водийсига этнографик гуруҳларнинг кириб келиш вақти турли тадқиқодчилар асарларида турлича кўрсатилади. Этнографик гуруҳларнинг Фарғона водийси ҳудудида жойлашуви ўзига хос хусусиятларга эга.

Водийдаги этнографик гуруҳларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни ўрганилаётган даврда сезиларли бўлганини кузатиш мумкин. Этнографик гуруҳларнинг уруғ- қабилавий бўлиниши алоҳида аҳамиятга эга.

Фарғона водийсидаги этнографик гуруҳларни ўтроқ аҳоли билан бўлган хўжалик, савдо ва маданий алоқаларини тадқиқ қилишда географик жиҳатдан жойлашуви ва уни ўзига хослиги муҳим аҳамият касб этади.

Водийдаги қипчоқ, турк, юз ва қурама этнографик гуруҳлар ўзларининг хўжалик юритишлари билан маҳаллий аҳолидан ажралиб туришган.

Мақолада ўзбек халқи таркибида бўлган этнографик гуруҳларни тарихий-этнологик маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинган. Этник жамоаларнинг Фарғона водийси ҳудудига кириб келиши, шаклланиши, кўчиб ўтиши ва тарқалиши юзасидан тадқиқот олиб борилган.

Калит сўзлар: субэтнос, этнографик гуруҳ, этник гуруҳ, этнос назарияси, субэтнос асоси, ассимиляция жараян, консолидация, этник жамоа, этногенез,

ўзбек халқи, уруғ, қабила, генеалогия, этноним, этник шаклланиш.

Вахобов Ботирали Михайлович,
Наманганский государственный университет,
старший преподаватель кафедры "Архивоведение"

ЭТНОГРАФИЧЕСКИЕ ГРУППЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается научное понятие одного из этнологических объектов - "субэтнос". Субэтнос разновидность этноса, и в настоящее время необходимо изучение его особенностей. Теория субэтноса (этнографической группы) исследовалась на основе научных взглядов и литературы. В статье освещено происхождение субэтноса и связанные с ним взгляды исследователей.

Время прибывания этнографических групп на Ферганскую долину в произведениях разных исследователей указывается по разному. Расположение на территории Ферганской долины имеет свои особенности.

Можно наблюдать, что роль социальной, экономической и политической жизни этнографических групп на долине была заметной. Имеет особое значение родо-племенное деление этнографических групп.

В исследовании хозяйственных, торговых и культурных отношений этнографических групп с оседлым населением Ферганской долины имеет важное значение географическое расположение и специфика местности. Этнографические группы кипчак, турк, юз и курама отличались от местного населения долины ведением хозяйства.

В данной статье освещены историко-этнологические сведения о этнографических групп в составе узбекского народа. Проведены исследования об происхождении, формировании этнической общности, этапы переселения и расселения в Ферганскую долину

Ключевые слова: субэтнос, этнографическая группа, этническая группа, теория этноса, ядро субэтноса, процесс ассимиляции, этническая общность, этногенез, консолидация, узбекский народ, род, племя, генеалогия, этноним, этническое формирование.

Botirali M. Vakhobov,
Namangan State University,
Senior Lecturer, Department of Archival Studies

ETHNOGRAPHIC GROUPS OF THE FERGHANA VALLEY

ANNOTATION

In given article the scientific concept of one of ethnological objects - "subethnos" reveals. Subethnos an ethnos version, and studying of its features now is necessary. The subethnos theory (ethnographic group) it was investigated on the basis of scientific views and the literature. In article the origin of subethnos and the sights of researchers connected with it is consecrated.

The time for nailing ethnographic groups to the Ferghana Valley in the works of

different researchers is indicated differently. The location in the Ferghana Valley has its own characteristics.

It can be observed that the role of the social, economic and political life of ethnographic groups in the valley was noticeable. The tribal division of ethnographic groups is of particular importance.

In the study of the economic, commercial and cultural relations of ethnographic groups with the settled population of the Ferghana Valley, the geographical location and specificity of the area are important.

The ethnographic groups Kipchak, Turk, Hughes and Kurama differed from the local population of the valley in household management.

This article highlights historical and ethnological information about ethnographic groups in the Uzbek people. Studies on the origin, formation of an ethnic community, the stages of resettlement and resettlement in the Ferghana Valley.

Key words: subethnos, ethnographic group, ethnic group, ethnos theory, core of subethnos, assimilation process, ethnic community, ethnogenesis, concentration, Uzbek people, clan, tribe, genealogy, ethnonym, ethnic formation

ХХ аср сўнгги чорагидан бошлаб этнология фанининг тадқиқот объекти ва методларида ҳам айрим ўзгаришлар содир бўлди. Яқин давргача халқларнинг урф-одатлари, маросимлари ва ҳўжалиги изчил ўрганилган бўлса, эндиликда мавжуд урф-одатлар, маросимлар ва ҳўжалик фаолияти хусусиятларини келтириб чиқарган асосий омилларни ўрганиш зарурати туғилди.

XIX аср бошларига қадар ўзбек халқида консолидация жараёни нўхоясига етмаган эди. Шу боис, унинг таркибига бирикаётган бир қатор этнографик гуруҳлар (субэтнослар) ҳали ўзлари учун анъанавий бўлган этник жиҳатларини (чунончи, этнонимини, ҳўжалик ва маданиятидаги ўзига хосликни) сақлаб қолаётган ва ушбу хусусиятлари билан ён-атрофдаги бошқа этнослардан фарқланиб турар эдилар. Турк, қипчоқ, қурама, юз, минг каби этносларни ушбу даврда Фарғона водийси шароитида этник хусусиятларини нисбатан яхши сақлаб қолаётган субэтнослар сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин[2, Б.67].

Этносининг тарихий шакллари: уруғ, қабила, элат, халқ, миллат, этнографик гуруҳ, кам сонли миллатларни ўрганиш этнология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Ҳозирда этнология фанида этнос, этник бирлик атамалари билан бирга "этнографик гуруҳ" (инглизча -ethnographical group; немисча-ethnographische Gruppe; русча - этнографическая группа) иборалари ҳам кенг қўлланилади. Этнографик гуруҳ - маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан бири) қисми бўлиб, ўзининг айрим хусусиятлари: тил лаҳжаси, ҳўжалик фаолияти ва турмуш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилади. Этнографик гуруҳ одатда бир қабила, элат ёки миллат этник ҳудудининг кенгайиши, яъни бир гуруҳнинг иккинчи бир этнос билан аралашиб, бошқа бир ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан бирга яшаб қолиши натижасида вужудга келади. Этнографик гуруҳ баъзан ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этник бирликка қўшилиши натижасида ҳам вужудга келган. Бу ҳилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида ўз хусусиятини сақлаб келиб, маҳаллий халқ орасида яшаб, уларнинг урф-одатлари ва маданиятини қабул қилиб, аста-секин унга аралашиб борган. Аммо уларнинг маълум қисми ўз

тилини, ўзлигини ва моддий маданиятларидаги баъзи хусусиятларни сақлаб қолганлар [13, С.77-78]. Консолидацион ва ассимиляцион жараёнлар натижасида кўплаб халқлар тарихига субэтнослар ёки этнографик гуруҳлар кирган.

XVI аср бошларида кўчманчи ўзбек қабилалари Мовароуннахрни босиб олганларидан сўнг Фарғона водийси бир неча ўзбек қабилалари учун кўчиб юриш учун жой сифатида белгиланди. Қўқон чегараларида, Ашпар атрофларида - минглар, Хўжанд атрофларида - юзлар, Андижон атрофларида - турк ва қипчоқлар, Марғилон ва Наманган ораллиғида қипчоқлар кўчманчиликда ҳаёт кечирганлар [4, С.315-321].

Фарғона водийсига кўплаб Шайбоний қўшини билан ўзбек қабилалари кириб келиб, шу ердаги туркий уруғлар билан аралашиб ҳудуддаги ўзбек элементини ошиб боришига ва минг, қипчоқ, қорақалпоқ, турк, қирқ, юз, найман, сарой қабиларини сиёсий жиҳатдан етакчи бўлишига олиб келади [3, С.426].

Муҳаммад Ҳакимхоннинг "Мунтахаб ат-тавоҳих" ва Мирзо Олим Мушрифнинг "Ансоб ас-салотин..." асарларида Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлиги боис турли этнографик гуруҳларнинг хонлик ҳудудида жойлашгани ва уларнинг хонликдаги мавқеи ҳақида алоҳида тилга олиниб, маълумотлар берилади.

Этнографик гуруҳ сифатида кўрилатган қипчоқларнинг Фарғона водийси ҳудудига келиб жойлашуви жараёни бир неча асрни ўз ичига олади [6, С.45-72; 12, С.17]. Эҳтимол, уларнинг баъзи бир гуруҳлари Шайбонийхон қўшинлари бу ерга кириб келгунга қадар ҳам Фарғона водийсида пайдо бўлгандирлар [1, Б.16]. Ушбу масала билан махсус шуғулланган К. Шониёзов бу жараёни янада аниқроқ сана - XVIII асрнинг 20-30- йиллари билан боғлайди. Унинг таъкидлашича, қалмиқлар таъқибидан қочган қипчоқларнинг катта гуруҳи айна шу даврда Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларига келиб жойлашган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Қўқон хонлигида қипчоқлар фақатгина Андижон вилоятида жойлашибгина қолмасдан, хонликнинг Наманган ва Марғилон вилоятлари ҳамда Қўқон атрофида ҳам яшаганлар.

XIX асрда қипчоқлар Қўқон хонлигида ўз нуфузига кўра, кучли қабила ва гуруҳга айланиб, хонликнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлаганлар.

Фарғона қипчоқларининг аксарияти Андижон уездида - Андижонсой, Норин дарёсининг қуйи қисми, Мойлисув ва Қорадарё атрофидаги қишлоқларда яшаган. Айримлари Наманган уезди ҳудудида - Косонсой, Сумсар, Чодак, Подшо Ота, Норин, Гова қаби дарё ва сой ҳавзаларида ҳамда Янгиариқ канали атрофида истиқомат қилган [13, С.139-140].

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида водий ҳудудида яшаган қипчоқлар тўрт катта гуруҳга бўлинган. Булар - қипчоқлар, қирғиз-қипчоқлар, хитой-қипчоқлар ва сарт-қипчоқлар.

Ушбу қипчоқ гуруҳлари ўз ўрнида бир қанча уруғларга бўлинганлар. Жумладан қўғай, буғоч, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, пучуғой, элатан, бўғоз, оғим, тоз, сирмоқ, етти қашқа, қутлуқсайд, черек, кўкмўйин, тўртайғир, тўртой, товулди, чангроқчи, чиял, қулон, оқбўйра, қорабовур, бошқирт, тикан, қоратикан, сари-қипчоқ, қорамоюн, катта-ўлмас, элатан, яйдоқ, қўйқулоқ, оғин, жикан, тўртойлик, туячи, сарой, ёрбоши, қозикабиуруғлари Фарғона водийсида қайд этилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фарғона водийси қипчоқларининг уруғлари ичида энг йириклари бу еттиқашқа, ўлмас, қулон, элатан ва яшиқ этнонимлари билан аталувчи уруғлар ҳисобланган [5, С.402]. Фарғона водийсида

қипчоқ уруғларига номлари билан кўплаб этнонимлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти жой номларида акс этган [6, С.44].

Водий этнографик гуруҳлардан яна бири турклар бўлиб, улар ўзбек халқининг асосий қатламларидан бири ҳисобланади.

Туркларнинг кўчиб келиб жойлашуви даври ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд [6, С.68]. Адабиётларда туркларни асосан водийнинг жанубий шарқий қисмида жойлашган, Фарғона водийси чегараларида турклар Шайбонийхон ўзбеклари томонидан текисликлар томонидан тоғолди ва юқори тоғ томонларга сиқиб қўйилган эди [9, С.59]. Турклар ўз қўйларини боқиш учун водийнинг ўрта қисмида экинлардан холи кенг текисликлар ва ўсимликлар билан қопланган адирлар жойлашганликлари уларнинг бу ҳудудда яқинда вақт давомида пайдо бўлганликларида далолат беради [11, С.17]. Ўтроқлашаётган турклар табиийки ўзларининг кўчманчилик ҳудудларида жойлашганлар. Шунинг учун туркларнинг манзигоҳлари Фарғона водийсининг жануб томонида ғарбдан шарққа қадар давом этган адиролди яқинларида жойлашган [12, С.6, 99].

Турк этнографик гуруҳидан барлослар, калтатойлар ва турклар каби йирик қабилалар Фарғона водийсида истиқомат қилишган. Туркларнинг йирик гуруҳлардан ташқари водийда уруғ қабила номлари бошқа ерда учрамайдиган майда бўлинмалари ҳам мавжуд бўлган [6, С.69-70]. Ўш вилоятининг Аравон туманида туркларнинг: каррак, бешқарам, кўкялабош, ёмонтурк, гўжлар, тангриқ, кечатогор, калпатўпи, супалик, қинғирлар, сутхор, кальтатой каби қисмлари яшаганлар. Андижон вилоятида: Турклар компакт тарзда Марҳамат туманининг Қорабағиш, Қорақўрғон, Кўтарма, Шукурмерган ва Қўшчи; Асака туманининг "Янгиобод" жамоа хўжалигида, Хўжаобод туманининг Ширмонбулоқ ва Найман қишлоқлари ҳудудларида истиқомат қилганлар. Қува туманининг Намуна, Бўз туманининг Охунбобоев жамоа хўжалиги. Ўш вилояти: Ўзган тумани, Аравон туманларида яшаганлар [5, С.389].

Фарғона водийси ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий роль ўйнаган этнографик гуруҳлардан яна бири юзлар бўлган [8, С.54]. Фарғона водийси ҳудудида юзлар бир неча қисмга ажралган бўлиб, уларнинг марка, қарапчи, ва қирқ, деб номланувчи бўлинмалари мавжуд эди. Одатда улар маркаюз, қарапчиюз ва қирқюз этнонимлари билан аталган [1, Б.15]. Ушбу этник бўлинмалар ўз навбатида қатор майда уруғлар - марка, уя -солин ва хитойизи (хитой юз)га бўлинганлар.

Фарғона водийсида юзларнинг болоиазим, барчавекюз, чангюз, девонбеги, каллар, қипчоқ, найман, муллатўпи, напкарачюз, сирғали, хаштак, чаукен, эрганаклиюз ва чоркесар каби майда уруғлари қайд этилган.

XIX- XX асрларда юзларнинг асосий қисми водий ҳудудига туташ бўлган Зомин ва Ўратепада яшаганлар [10, С.222]. Бундан ташқари, Андижон вилоятининг Балиқчи, Асака, Шаҳрихон, Фарғона вилоятининг Бувайда туманларида жойлашган бир қанча қишлоқларида ҳам яшаган.

Юзлар асосан, Фарғонанинг пастекислиги бўйлаб тарқалиб, хатто Қурама тизмаси тоғолди ҳудудларгача бориб етиб, водийнинг жанубий ғарбий бурчагида истиқомат қилишган [8, С.56]. Юзлар Фарғона водийсининг бошқа ҳудудлари Балиқчи, Шаҳрихон, Асака, Қува туманларида ҳам истиқомат қилганлар.

Фарғона водийсига қурама этнографик гуруҳларнинг кўчиб ўтиши бир неча босқичларни ўз ичига олади. Айрим ахборотчилар XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошлари деб белгиласалар, бошқалар ўз аجدодларини XVII асрда Фарғона

водийсига кўчиб ўтганлар деб белгилайдилар. Қурамаларнинг водийга кўчиб ўтиш сабаблари қолган ярим кўчманчилик сингари ўз чорвалари учун яйлов топиш эди. Қурамалар Фарғона водийсига Ангреннинг Теляу, Хонобод, Жалоир, Абжаз, Карактай ва бошқа қишлоқлардан ва Қурама тоғ тизмаларидаги довонлар Саримсоқлик, Қорақия, Кендирдован ва бошқалар орқали келган. Қурамаларнинг айрим қисмлари Қурама тоғ тизмалари этакларида жойлашган бўлса, қолган қисмлари Фарғона водийсининг ичкарасига ўзларининг чорвалари учун бир мунча қулай яйловлар кириб борганлар. Водийдаги аҳолини зичлиги ва яйлов ўтлоқларни етишмаслиги туфайли Қурама тоғ тизмалари этакларида қолган қурамаларга нисбатан тезда ўтроқлашувга ва ўтроқ аҳоли билан аралашиб кетишига олиб келди.

Фарғона водийсига қурамаларнинг қуйидаги гуруҳлари ўз қисмлари билан бирга кўчиб ўтганлар: жалоирлар: кереит, жапалак, турайғир, тупар, қарочопон, чувалдак, жастабан; тамалар: чубаланчи, олчин; уйшун: чувилдак, абиз, бешкал, кўрпа; теляу: қорагўйли, қорасийрак; унгут; абджаз; ўроқли; болғали; гишлик ва бошқалар. Қурамалар Наманган вилоятида Тўрақўрғон, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон ва Косонсой туманларида; Фарғона вилоятида Бешариқ, Қўқон атрофларида, Кува ва Риштон туманларида; Андижон вилоятида Избоскан, Асака, Шахрихон, Олтинкўл, Пахтаобод туманларида рўйхатга олинган [7, С.40]. Кўчманчиликдан ва ярим кўчманчиликдан ўтроқликка ўтган қурамалар Фарғона водийсида алоҳида тарзда жойлашган. Қурамалар Фарғона водийсида жойлашган этнографик гуруҳларга нисбатан сон жиҳатдан озчиликни ташкил қилган [9, С.65].

Ўрганилаётган даврга келиб этнографик гуруҳларнинг асосий қисми ўтроқ турмуш тарзига ҳамда деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиб бўлган эди. Бироқ, уларнинг катта бир қисми то XX аср бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, ўзлари учун анъанавий бўлган чорвачиликни деҳқончилик билан қўшиб олиб борганлар. Айни вақтда ушбу ярим ўтроқ аҳоли ўзларининг тузилишларида уруғ ва қабилаларга бўлиниш принципларини сақлаб қолганлар.

XIX-XX асрлар чегараси Фарғона водийсида истиқомат қилаётганлар ўзлигини англаш соҳасида трансформация юз бераётган бир давр бўлиб, статистик маълумотлар буни тасдиқлайди. Баъзи бир этник жамоалар рўйхатларда йўқолиб бора бошлайди.

Ҳозирга қадар Фарғона водийсининг ўзбек аҳолиси орасидаги этнографик гуруҳлардан жиддий тарзда фақатгина қипчоқлар ўрганилган холос [15;13]. Водийдаги ўзбекларнинг этнографик гуруҳлари ҳақидаги маълумотлар турли тадқиқотчилар томонидан ёзилган монография ва мақолаларда қисман ёритилган. Фарғона этник тарихи муаммоларидан бири бу ҳудудда ўтмишда яшаган этнографик гуруҳларни алоҳида тадқиқот сифатида ўрганишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т. 2005. (Abdullaev U. P. Interethnic Processes in the Ferghana Valley. – Tashkent, 2005.)
2. Абдуллаев У. Фарғона водийсидаги этнослараро муносабатлар тарихидан // Ўзбекистон тарихи. – Т., 2005. (Abdullaev U. From the history of interethnic relations in the Ferghana Valley // History of Uzbekistan. Tashkent, 2005. – No. 4.)
3. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племенъ и

народностей и сведения об их численности // Живая старина. - СПб., 1896 (Aristov N. A. Notes on the ethnic composition of Turkic tribes and nationalities, information on their numbers // Zhivaya Antina. - St. Petersburg, 1896)

4. Валиханов Ч.Ч. Записки о Кокандском ханстве // Соч.: В 5 т., Т. III. - Алма-Ата, 1985. (Valikhanov Ch. Ch. Notes on the Kokand Khanate // Op. : 5 vol., Vol. III. - Alma-Ata, 1985)

5. Винников Я.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС.- М., 1959. (Vinnikov Ya. R. Modern resettlement of peoples and ethnographic groups in the Ferghana Valley // SEP.- Moscow., 1959.)

6. Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX-начале XIX (по данным топонимии). - Т., 1983. (Gubaeva P. P. The ethnic composition of the population of Ferghana in the late XIX - early XIX (according to toponymy). - Tashkent, 1983.)

7. Губаева С.С. Населения Ферганской долины в конце XIX- начале XX в. (этнокультурные процессы). - Т. 1991. (Gubaeva P. P. Population of the Ferghana Valley at the end of the nineteenth - beginning of the twentieth century. - Tashkent, 1991.)

8. Губаева С.С. Расселение племени юз в Ферганской долине на рубеже XIX - XX. Ономастика Средней Азии. - Фрунзе, 1980. (Gubaeva S. S. The resettlement of the Yuze tribe in the Ferghana Valley at the turn of the 19th - 20th / Onomastics of Central Asia. - Frunze, 1980.)

9. Иногомов Ш. И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах УзССР. Дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 1959. (Inogomov Sh. I. The ethnic composition of the population and ethnographic map of the Ferghana Valley within the borders of the Uzbek SSR. Dis Candidate. - Tashkent, 1959.)

10. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Узбекистана и Таджикистана. - М., 1976. (Karmysheva B. Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Uzbekistan and Tajikistan. - Moscow, 1976.)

11. Кармышева Б.Х. Этнографическая группа "тюрк" в составе узбеков. // СЭ. № 1 - М., 1960. (Karmysheva B. Kh. ethnographic group "Turk" composed of Uzbeks. Soviet ethnography, No. 1.- Moscow, 1960.)

12. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. - Казань. 1886. (Nalivkin V. P. A brief history of the Kokand Khanate. - Kazan, 1886.)

13. Шаниязов К.Ш. Кипчаки в узбекской этнической среде в дооктябрьский период (Процессы интеграции) // этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. - М., 1980. (Shaniyazov K. Sh. Kipchaki in the Uzbek ethnic environment in the pre-October period (Integration processes) / Ethnic processes in national groups of Central Asia and Kazakhstan. - Moscow, 1980.)

14. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жарёни. - Т., 2001. (Shoniyoov K. The process of formation of the Uzbek people. - Tashkent, 2001.)

15. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. - Т., 1974. (Shaniyozov K. Sh. On the ethnic history of the Uzbek people. - Tashkent. 1974)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000